

**ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ВА СУДЛАНУВЧИНING ОДИЛ СУДЛОВГА БЎЛГАН  
ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Қодиров Шерали Абдираупович,  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Инсоният тарихида макон ва замон танламайдиган энг олий мезонлардан бири, шуҳбасиз-адолатдир! Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган адолат тамойили бугунги кунда энг устивор вазифалардан бирига айланди. Зеро, адолат, ҳақиқат бор жойда фаравонлик ҳукм суради, тараққиёт юксалади, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратишга қаратилгандир. Суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Жумладан, ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминлашдан иборатдир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш умуминсоний қадриятларга бориб тақалади. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация”сида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан жиноят ишларини юритишда ҳам ҳимоя ҳуқуқи таъминлашга оид барча қонун нормалари белгиланган. Жумладан, мазкур декларациянинг 8-моддасига кўра, “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга” лиги белгиланган. Мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикаси умуминсоний қадриятларнинг устунлигини эътироф этиб, унинг аъзосига айланди.

Мазкур умуминсоний қадриятлар аввало мамлакатимизнинг асосий қонуни ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 26-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади” деб белгиланганлиги, бу ҳимоя ҳуқуқининг етарли даражада таъминланганлигини билдиради.

Жиноят ишларини юритиш жараёнида юридик ёрдам олиш ҳуқуқи жиноят процессининг ҳар қандай босқичида кафолатланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят-процессининг иштирокчиси сифатида процессуал ҳуқуқлар доирасига эга бўлиб, қўйилган

айбдан ҳимояланиш учун ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга имкон беради.

Ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан бири гумон қилинувчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасига кўра, “Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.”

Гумон қилинувчининг ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра, гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиши, ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши, у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш, ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш, ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, далиллар тақдим этиш, суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш, ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари, гумон қилинувчининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига мажбуриятлари ҳам белгиланган. Гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги, ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Алоҳида таъкидлаш керак, гумон қилинувчи томонидан кўрсатувлар берилиши унинг бурчи ҳисобланмайди. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш айбланувчини сўроқ қилиш қоидалари

асосида олиб борилиши лозим. Айбланувчи ушланиши ёки унга эҳтиёт чораларини танланиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида кўрсатма беришни ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жиноий жавобгар бўлмайди.

Гумон қилинувчига нисбатан процессуал мажбурлов чораси сифатида ушлаб туриш қўлланилиши мумкин.

Ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан яна бири айбланувчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 45-моддасига кўра, “Айбланувчи ушбу Кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.”

Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра, айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш, қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш, ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, далиллар тақдим этиш, суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш, суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда иштирок этиш, ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш, суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш, иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига мажбуриятлари ҳам белгиланган. Айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш,

гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши, гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги, ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Эълон қилинган айблов бўйича кўрсатув бериш айбланувчининг ҳуқуқи, шу сабабли эълон қилинган айблов бўйича кўрсатув беришдан бош тортган тақдирда, у жиноий жавобгар бўлмайди.

Ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан яна бири судланувчи бўлиб, судга қадар айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.”

Судланувчи қонунчиликка кўра қуйидаги ҳуқуқларга эгадир. Биринчи инстанция ва юқори инстанция суди мажлисларига иштирок этиш, рад қилиш, суд ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, илтимосномалар қилиш ва далиллар тақдим этиш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш, иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш, охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Судланувчининг мажбуриятлари эса, суд чақирувига биноан ҳозир бўлиш, суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслик, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, танланган эҳтиёт чоралари талабларини бажариш, суд ажримларининг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик, суд мажлисида тартибга риоя этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 йил 19 декабрь 17-сонли қарори 5-бандида “Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас, ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда келиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади.”

Ҳимояланиш ҳуқуқининг кафолатланиши сифатида, қонун гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига ҳимоя тайинланиши шарт бўлган ҳолатларни белгилаб қўйган, бу талабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонуни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Шу сабабли, у иш юритувнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасига асосан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоячидан воз кечишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

- вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда;
- суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;
- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;
- шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда;
- айбига иқrorлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича;
- апелляция ва кассация инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига қонун ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан процессуал ҳаракати ёки қарори устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқининг берилишидир.

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қонун талабига кўра гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳақли эмас. Жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида жумладан, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўриқланиши таъминланиши керак. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши қатъиян ман этилади.

Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тўпланган иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат текширилган ва баҳоланган далиллардангина фойдаланиш мумкин. Процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда тўпланган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003

йил 19 декабрь 17-сонли қарори 20-бандида “Тергов ҳаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан руҳий таъсир ўтказиш деб баҳоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тўпланган маълумотлар далил кучига эга бўлмайди ва улар айблов ҳукми учун асос қилиб олиниши мумкин эмас” лиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳам бу норма ўз аксини топган. Мазкур кодексининг 23-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши белгиланган. Айбсизлик презумпцияси принципи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатларга асосланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти 14-моддасининг иккинчи қисмида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонунга мувофиқ айбдорлиги исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланади” деб белгиланган.

Айбланувчи айбдор ёки айбсизлигини исботлаш учун қонун бўйича айбсиз деб ҳисобланади, уни айбдор деб топиш учун жиноят судлов ишлари шундай тартибда юритилиши лозимки, унда ошкоралик, оғзакилик, тортишувчилик ва процесснинг бошқа демократик принциплари асосида барча ҳолатлар тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ этилади. Суд муҳокамаси, айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланган ҳамда айбдор ёки айбсизликни исботлашнинг максимал кафолатлари мужассамлашган босқич ҳисобланади. Фақат иш судда кўрилганидан ҳамда суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин судланувчини айбдор деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши жиноят-судлов ишларини юритишда энг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишларини жиноят процессуал Кодексида назарда тутилган тартибда амалга ошириш ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояга дахлдор бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг уларнинг ҳимоя ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.